

Ўзбекистон БМТда Имом Бухорий, Термизий, Мотуридийнинг бой маънавий ва илмий меросининг тақдимотини ўтказади



17:07 / 24.09.2025 677

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг юбилей 80-сессиясида сўзлаган нутқида мамлакатимиз Ислом маърифати ғояларини чуқур ўрганиш ва бутун дунёда кенг тарғиб қилишни давом эттиришини [таъкидлади](#).

«Биз жамиятимиздаги бағрикенглик сиёсатини изчил амалга ошиarmoқдамиз. Шу билан бирга, ислом маърифати ғояларини чуқур ўрганиш ва дунёга тарғиб этиш бўйича саъй-ҳаракатларимизни фаол давом эттирамиз!», - деди давлат раҳбари.

Унинг сўзларига кўра, яқин ойларда кенг минтақамиз учун ноёб бўлган Ислом цивилизацияси маркази очилади.

«Буюк аجدодларимиз – мутафаккир алломалар Имом Бухорий, Имом Термизий, Имом Мотуридийнинг бой маънавий ва илмий меросининг алоҳида тақдимотини Бирлашган Миллатлар Ташкилотида ўтказиш ниятидамиз», дея таъкидлади Ўзбекистон етакчиси.